



АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИ СТАТИСТИКА ФАОЛИЯТИДА ҚҮЛЛАШ НАТИЖАСИДА ОЛИНАДИГАН ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИ ҲИСОБЛАШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Раджисев Аюбхон Баҳтиёрхонович,
Кадрлар малакасини ошириш ва
статистик тадқиқотлар институти, Тошкент, Ўзбекистан

METHODOLOGICAL ASPECTS OF CALCULATING THE ECONOMIC EFFICIENCY OBTAINED AS A RESULT OF THE USE OF INFORMATION SYSTEMS IN STATISTICAL ACTIVITIES

Radjiev Ayubkhan Bakhtiorkhovich,
Personnel training and
institute of statistical research, Tashkent, Uzbekistan

JEL Classification: D84, E1

Аннотация. Ушбу мақолада ахборот тизимларини статистика фаолиятида қўллаш натижасида олинадиган иқтисодий самарадорликни ҳисоблашининг услугий жиҳатлари ёритилган ва ушбу соҳани ривожлантириши юзасидан хуоса ва тақлифлар ишилаб чиқилган.

Abstract. This article describes the methodological aspects of calculating the economic efficiency obtained as a result of the use of information systems in statistical activities, and conclusions and suggestions for the development of this field are developed.

Калим сўзлар: статистика, ахборот тизимлари, натижса, самарадорлик, ҳисоблаш, электрон тиҷорат.

Keywords: statistics, information systems, result, efficiency, calculation, e-commerce.

Кириш. Мамлакатимиз статистика фаолиятига рақамли технологияларни, жумладан замонавий АТни кенг жорий қилиш катта миқдордаги меҳнат ва

материал ресурсларни жалб қилишни талаб қиласди [1]. Бундай технологияларни статистика фаолиятига жорий қилишнинг асосий шартларидан бири бўлиб иқтисодий самарадорликни олиш ҳисобланади. Иқтисодий самарадорлик ахборот тизимларидан статистика фаолиятида фойдаланишнинг натижадорлигини баҳолаш ҳисобланиб, уларга қилинган харажатларнинг ва олинган самаранинг нисбати кўринишида бўлади. Умумий ҳолатда самара остида маълум бир фаолият натижаси бўлиб, у қўйилган мақсадга мувофиқ бўлиши керак. Самарадорлик ўз ўрнида самаранинг ўлчами бўлиб, ишилаб чиқариш харажатларининг бирлигига тўғри келади. Олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, АТдан статистика фаолиятида фойдаланишнинг самараси ижтимоий, техник ва иқтисодий кўринишда бўлиши мумкин. Бундан ташқари, улар ҳар бир статистика тизимида фаолият кўрсатаётган ходимнинг иш сифатини ҳам юксалтириб бориб, натижавий статистик

ахборотларни тақдим этиш тезлиги ҳам ортади [2]. Ижтимоий самара остида АТдан фойдаланиш асосида давлат статистика ҳисботовларини топширувчиларининг қўяётган талабларининг қондирилиши билан изохланиб, уларнинг иш фаолияти даражасига ўз таъсирини қўрсатади. Ҳисботов шаклларини топшириш жараёнларининг автоматлаштирилиши натижасидаги ижтимоий самара ҳар бир ходим иш ўрнидаги ижтимоий ўзгаришларда ўз аксини топади. Лекин, амалиётда ижтимоий самарани ҳисболов чиқишининг формаллаштирилган усувлари ва бошқа турдаги тадбирларни амалга ошириш етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Техник самара АТда айрим операцияларнинг бажарилиш тезлиги, техник воситаларнинг унумдорлигини юксалиши ва бошқалар билан изохланади. Турли техник характеристикалар ва объектларни ўзаро солиштиришнинг имкони бўлмаслиги техник самаранинг қўрсаткичларидаги камчилик ҳисбланади. Статистика фаолиятида АТдан кенг фойдаланиш натижасида олинадиган иқтисодий самара олинадиган йиллик самара, иқтисодий самарадорлик коэффициенти ва сарфланган маблағларни қоплаш муддатлари каби қўрсаткичлар билан ифодаланади [3].

Материал ва метод. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан Н.М. Абдикеев, К. В. Балдин, В.П. Божко, А.М. Вендров, С.В. Глушаков, В.В. Дик, А.И. Долженко, Е.Н. Ефимов, А.М. Карминский, В.В. Липаев, А.И. Мишенин, А.Н. Романов, Б.Е. Одинцов, Г.Н. Смирнова, Ю.Ф. Тельнов, Г.А. Титоренколар [4] ахборот тизимлари ва технологияларини миллий иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларига самарали қўллаш, автоматлаштирилган иш ўринларини

ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш, ахборот тизимлари менежменти, дастурий маҳсулотларни лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш, дастурий маҳсулотлар иқтисодиёти, маслаҳат берувчи ахборот тизимлари, интеллектуал ахборот тизимларини амалиётга жорий қилиш, банк ахборот тизимлари, солик ахборот тизимлари, статистика ахборот тизимлари, дастурий воситалари сифатини бошқариш бўйича илмий ишларни олиб боришган. Академик С.С. Гуломов ўз илмий ишларида ахборотлар оқимларини оптимал ташкил қилиш, автоматлаштирилган ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва амалиётда самарали қўллаш ва рақамли иқтисодиётнинг шаклланиб бориш жараёнлари кенг ёритиб берган [5]. Профессор Р.Х. Алимов олиб борган тадқиқотларида миллий иқтисодиётининг турли тармоқ ва соҳаларига ахборот тизимларини жорий қилиш, уларнинг тизимостиларини оптимал лойиҳалаштириш, техник ва дастурий-технологик воситалардан самарали фойдаланишнинг иқтисодий-математик моделларини таклиф қилган [6].

Натижалар.

Ахборот тизимларини кенг жорий қилиш негизида статистик маълумотларни автоматлаштирилган усуlda қайта ишлашнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилар билан асосланади:

статистика тизимининг турли бошқарув даражаларида статистик маълумотларни йигиши, қайта ишлаш ва тақдим қилишнинг ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишнинг ҳаражатларини мақсадга мувофиқлиги ва кераклигини аниқлаб олиш;

статистика тизимининг турли бошқарув даражаларининг ўзига хос


жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда статистик маълумотларни қайта ишлашни автоматлаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш;

статистика тизимининг ҳар бир бошқарув даражасида статистик маълумотларни автоматлаштирилган усулда қайта ишлашни ташкил қилиш ишларининг кетма-кетлигини белгилаб олиш;

статистик маълумотларни қайта ишлаш технологик жараёнларининг иқтисодий самарадорлик варианtlарини танлаш.

Давлат статистика ҳисботларини қабул қилишни таъминлаб берувчи “e-Stat 4.0”-автоматлаштирилган ахборот тизими ва функционал статистик масалаларини ечишни таъминловчи

ахборот тизимларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий қилиш катта молиявий маблағларни талаб қилмоқда. Тармоқ бошқармаларининг кўплаб функционал масалаларини ягона ахборот тизими асосида ечишни йўлга қўйиш мураккаб муаммо ҳисоб-ланади. Бундан ташқари кўп ахборот тизимларини ишлаб чиқиши учун эса катта миқдордаги молиявий ресурслар хам талаб қилинади. Шунинг учун хам, ахборот тизимларини ишлаб чиқишдан олдин уларни қайси дастурлаш тилида ёзилиши, фойдаланиладиган маълумотлар базасини бошқариш тизимининг турини ва уларни истиқболда имкониятларини кенгайтириб бориш йўлларини хам жиддий эътиборга олишга тўғри келади (1.-расм).



1.-расм. e-Stat 4.0 ахборот тизими доирасида маълумотлар базасини бошқариш [7]



Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда, статистик маълумотларни автоматлаштирилган усулда қайта ишлашни ташкил қилишнинг иқтисодий самарадорлиги қўйидаги асосий омиллар асосида таъминланади:

а) замонавий техник воситалар унумдорлигининг юқорилиги ва айрим операцияларни бажариш учун кетадиган вақтнинг кескин қисқариши эвасига давлат статистика ҳисботларини қабул қилиш, уларни қайта ишлаш ва умумлаштириш операцияларини бажариш тезлигининг юқорилиги;

б) ягона маълумотлар базасини яратиш, уларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш ва натижавий маълумотларни олишнинг аниқ графикларини белгилаб бериш ҳисобига статистика ишларини бажариш сифатини юксалтириш;

в) турли қайтарилаётган кўрсаткичларни бартараф қилиш, ҳисбобитобларнинг ягона услубиётини жорий этиш, ҳисбот даврлари ва якуний ҳисботларни олиш муддатларини қисқартириш йўли билан статистика тизимининг турли бошқарув даражаларини ахборот билан таъминлашни яхшилаш.

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда, статистик масалаларни автоматлаштирилган усулда ечишдан олинадиган иқтисодий самарадорлик давлат статистика ҳисботларини қабул қилишдаги ҳаражатларнинг камайиши, бир-ламчи статистик маълумотларни

қайта ишлаш ҳаражатларнинг минималлатирилиши ва фойдаланувчиларнинг статистик ахборотларга бўлган талабини қондирилиши даражаси билан тўғридан-тўғри боғлиқdir (2.-расм).


Яқин йилларгача, давлат статистика ҳисботлари туман статистика бўлимларига қоғоз кўринишида олиб келиниб топширилар эди. Ҳисбот даврининг охирги кунлари статистика бўлими олдида кўплаб навбатлар бўлиб, ай-рим ҳолларда респондентлар ҳисботни топшириш учун бир неча марта келишга мажбур эдилар. Ҳозирги кунда рақамли технологияларнинг статистика фаолиятига кенг жорий қилиниши натижасида давлат статистика ҳисботларини топширишнинг барча босқичлари тўлиқ автоматлаштирилди.

Ахборот тизимларини статистика фаолиятининг турли йўналишларида қўллаш натижасида олинадиган бевосита иқтисодий самарадорлик статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тақдим қилиш билан боғлиқ бўлган қиймат ва меҳнат ҳаражатларининг пасайиши билан ифодаланади.

Билвосита иқтисодий самарадорлик эса ахборот тизимларини кенг қўллаш натижасида бўладиган сифат ўзгаришлари билан тавсифланади. Бу ўз ўрнида давлат бошқарув органларини статистик ахборотлар билан таъминлаш-нинг яхшиланиши, статистик ишлар

сифатининг юксалиши, якуний статистик ахборотлар таркибининг кенгайиши, уларни олишнинг тезкорлиги ва ишончлилигининг юксалиши билан изоҳланади. Хозирги кунда амалиётда

билвосита иқтисодий самарадорликни ҳисоблашнинг аниқ бир методикаси йўқ, шунинг учун ҳам кўп ҳолларда бу борада эксперт баҳолашдан кенг фойдаланилади.



2.-расм. Фойдаланувчиларнинг статистик ахборотларга бўлган талабини қондирилиши схемаси [7]

Ахборот тизимларидан статистика фаолиятида кенг қўллаш натижасида олинадиган иқтисодий самарадорлик уларнинг бир нечта лойиҳавий варианtlарини ўзаро солиштириш асосида ҳисоблаб чиқилади. Бизнинг ҳолатда дастлабки (базис) вариант сифатида давлат статистика ҳисботларини қофзда қабул қилиш олинади ва лойиҳалаштирилган вариант сифатида эса “e-Stat 4.0”- автоматлаштирилган ахборот тизимини танлаб оламиз.

Иқтисодий самарадорликнинг абсолют кўрсаткичи сифатида давлат статистика ҳисботларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва умумлаштиришга кетадиган қиймат ва меҳнат ҳаражатларининг йиллик камайиши кўрилади.

Фараз қилайлик, давлат статистика ҳисботларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва умумлаштиришнинг йиллик қиймати базис вариантда K_0 бўлсин, лойиҳалаштирилаётган вариантда эса K_1 бўлсин, у ҳолда:

$$\Delta X K = K_0 - K_1 \quad (1)$$



бу ерда: $\Delta\bar{X}\bar{K}$ - давлат статистика ҳисоботларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва умумлаштиришга кетадиган ҳаражатлар қисқаришининг қиймат катталигидир.

Юқорида келтирилган ёндашув асосида ишлаб чиқилаётган ахборот тизимининг самарадорлиги аниқланади. Агар йил мобайнида ечилаётган статистик масалаларнинг сони (m_c) аниқ бўлса ва масалани бир марта ечилиши учун кетадиган ҳаражатлар миқдори (\bar{x}_m) аниқ бўладиган бўлса, у холда йиллик ҳаражатлар қиймати $\bar{X}\bar{K} = (m_c * \bar{x}_m)$ тенг бўлиб, базис ва лойиҳалаштири-лаётган варианtlар учун алоҳида ҳисоб-китоб қилинади.

$$\bar{X}\bar{K} = \sum_{k=1}^m (m_{ck} * \bar{x}_{mk}) \quad (2)$$

бу ерда: m_{ck} – k -кўринишдаги статистик масаланинг йил мобайнида ечилишининг сони;

\bar{x}_{mk} – k -кўринишдаги статистик масалани ечиш учун кетадиган ҳаражатлар миқдори;

бу ерда, $M\bar{X}_0$, $M\bar{X}_1$ – базис ва лойиҳалаштирилаётган варианtlар бўйича давлат статистика ҳисоботларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш учун кетадиган йиллик меҳнат ҳаражати миқдори.

Шуни таъкидлаш жоизки, юқоридаги ёндашувни давлат статистика ҳисоботлари мисолида қарайдиган бўлсак, у холда ҳисоботлар қабул қилинади, ҳатоси борлари бир неча марта қайтарилади ва яна қабул қилинади, ҳатоси йўқлари қайта ишланилади, улар асосида йиғма жадваллар шакллантирилади ва фойдаланувчиларга тақдим қилиш учун турли кўринишдаги жад-валлар ҳам ишлаб чиқилади. Бундан кўриниб турибдики, битта ахборот тизими доирасида бир-бири билан боғлиқ бўлган комплекс масалалар мавжуд бўлиб, уларга кетадиган ҳаражатлар миқдори куйидагича аниқланади:

m – комплексдаги ечилаётган масалалари сони.

Меҳнат ҳаражатлари пасайишининг абсолют кўрсаткичи бўлиб, базис ва лойиҳалаштирилаётган варианtlарнинг йиллик меҳнат ҳаражатларининг ўзаро фарқи ҳисобланади, яъни:

$$\Delta M\bar{X} = M\bar{X}_0 - M\bar{X}_1, \quad (3)$$

Меҳнат ҳаражатларини камайтиришнинг нисбий кўрсаткичлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

меҳнат ҳаражатларини камайтириш коэффициенти:

$$K\Phi = \frac{\Delta M\bar{X}}{M\bar{X}_0} \quad (4)$$

меҳнат ҳаражатларининг ўзгариш индекси:

$$I_n = \frac{M\bar{X}_0}{M\bar{X}_1} \quad (5)$$

Юқоридагилар давлат статистик ҳисоботларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш масалаларини

ечиш бўйича оптималь варианти амалиётта жорий қилиш ҳисобига меҳнат унумдорлигининг ортишини ифодалайди.



Рақамли технологияларга асосланган ахборот тизимларини давлат статистик ҳисоботларини қабул қилиш, қайта ишилаш ва умумлаштириш масалаларига қўллаш асосида тўғридан-тўғри эришиладиган тежамкорлик уларни қўллашгача бўлган

вариант билан солишириш асосида аниқланади.

Давлат статистик ҳисоботларини қабул қилиш, қайта ишилаш ва умумлаштириш масалаларини қўлда бажаришнинг умумий меҳнатталаблиги ($MX_{умум}$) қуидаги формула асосида аниқланади:

$$MX_{умум} = \sum_{i=1}^n mm_i * c_i * кф \quad (6)$$

бу ерда: mm_i – i -шаклдаги давлат статистика ҳисботини дастлабки ҳолатда қайта ишилашнинг меҳнатталаблиги;

c_i - i -шаклдаги давлат статистика ҳисботининг бир йиллик сони;

$кф$ – ҳисбетларни қайта ишилаш билан банд бўлган ходимларнинг тўлиқ банд бўлишини ҳисобга олишини тўғриловчи коэффициент;

n – турли давлат статистика ҳисботларининг сони.

Шуни таъкидлаш жоизки, i -шаклдаги давлат статистика ҳисботини қайта ишилашнинг барча операциялари бўйича меҳнатталаблик суммасини mm_i ўзида акс этади, яъни:

$$mm_i = \sum_{k=1}^l mm_{ik}, \quad (7)$$

бу ерда: mm_{ik} – k -операция бўйича i -шаклдаги давлат статистика ҳисботини қайта ишилашнинг меҳнатталаблиги;

l – операциялар сони.

Давлат статистика ҳисботини қўлда қабул қилиш, қайта ишилаш ва умумлаштириш бўйича қилинадиган умумий қиймат харажатлари ($KX_{умум}$) қуидаги формула асосида аниқланади:

$$KX_{умум} = MX_{умум} * mc (1 + кф_{uc} + кф_{nx}), \quad (8)$$

бу ерда: mc - давлат статистика ҳисботини қабул қилиш, қайта ишилаш ва умумлаштириш билан банд бўлган ходимнинг бир соатлик тариф ставкаси;

$кф_{uc}$ - ижтимоий суғуртага ўтказиш коэффициенти;

$кф_{nx}$ – қўшимча сарф-харажатлар коэффициенти.

Операцияларни қўлда бажаришда умумий меҳнатталаблик меъёр-соатлар сони кўринишда ҳисоблаб чиқлади. Ушбу қўрсаткич ҳар бир операция бўйича умумий иш ҳажмини бир соат меъёрига бўлган ҳолда технологик жараённинг барча операциялари бўйича қуидаги формула асосида ҳисбланади:

$$MX_{ax.kipr.} = \frac{IX_{умум}}{CM} \quad (9)$$



бу ерда: $MX_{ax.kip}$ - статистик маълумотларни қайта ишлашнинг меҳнат талаблилиги, меъёр-соатда;

IX_{umum} - ҳар бир операция кесимидаи иш ҳажми;

CM – бир соатда ишлаш меъёри.

бу ерда: MX_{umum} – меҳнатталаблик, меъёр-соатларда ўлчанади;

MCH – меъёр-соатнинг қиймати.

Шахсий компьютерлар ва ахборот тизимлари асосида статистик маълумотларни қайта ишлашнинг ялипи

$$MX_{a.b.x} = MX_k + MX_{m.k} + MX_{ab}$$

Статистик маълумотларни автоматлаштирилган усулда қайта ишлаш

$$MX_{ab} = MX_{k.iss} + MX_{chi}$$

бу ерда: $MX_{k.iss}$ – статистик маълумотларни қайта ишлаш учун сарфланадиган ШК вақти (бирламчи хужжатларни назорат қилишни қўшган ҳолда);

MX_{chi} – натижавий статистик маълумотларни чиқариш учун сарфланадиган ШК вақти.

$$MXT = MX_{umum} - MX_{ab}$$

бу ерда: MX_{umum} – статистик маълумотларни қўлда қайта ишлаш учун кетадиган вақт меҳнатталаблиги;

MX_{ab} – ШК ва ахборот тизимлари асосида статистик маълумотларни қайта ишлаш учун вақт меҳнатталаблиги.

$$KXT = KX_{umum} - KX_{ab}$$

бу ерда: KX_{umum} – базавий вариантда давлат статистика ҳисоботлари асо-сида шаклланган бирламчи маълумотларни қайта ишлашнинг қиймат ҳара-жатлари;

KX_{ab} – ШК ва ахборот тизимлари асосида статистика ҳисоботлари асосида шаклланган бирламчи маълумотларни қайта ишлашнинг қиймат ҳара-жатлари.

Тадқиқотларимиз ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат

Статистик маълумотларни киритишининг қиймат ҳаражати (KX_{umum}) машина-қўл операциясидан фойдаланганда қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$KX_{umum} = MX_{umum} * MCH \quad (10)$$

вақт ҳаражати ($MX_{a.b.x}$) қўлда (MX_k), машина-қўлда ($MX_{m.k}$) ва автоматлаштирилган (MX_{ab}) операцияларини бажариш учун кетадиган вақтларни суммасига тенг бўлиб, қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$(11)$$

учун сарфланадиган вақти қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$(12)$$

Статистик ҳисоботлар асосида шаклланган маълумотларни ШК ва ахборот тизимлари асосида қайта ишлаш учун кетадиган меҳнат ҳаражатларини тежаш (MXT) қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$(13)$$

Статистик маълумотларни ШК ва ахборот тизимлари асосида қайта ишлашнинг қиймат ҳаражатларининг тежалишини (KXT) қуйидаги формула асосида аниқлаш мумкин:

$$(14)$$

секторида яратилган қўшилган қийматнинг статистик ҳисобини юритиш бўйича ҳам бир қатор услубий ишларни амалга ошириш кераклигини кўрсатмоқда.

Мунозара. Давлат статистика қўмитаси томонидан АҚТ соҳасида статистик кўрсаткичларни шакллантириш бўйича ўрганишлар натижасида олинган хуносалар ва уларни амалиётга жорий

қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиб, қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. АКТ кўрсаткичларини шакллантиришда норасмий сектор қамровини таъминлаш мақсадида АКТ савдоси билан шуғулланувчи ва АКТ хизматларини кўрсатувчи жисмоний шахслар орасида ўтказиладиган танланма қузатув сўровномаси (1-АКТ (jsh)) ишлаб чиқилди.

2. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси ўртасида “Рақамли иқтисодиётни ривожланиш ҳолати тўғрисида статистик маълумотларни тўплаш ва шакллантиришда ягона ёндашув ва методологияни ишлаб чиқиши бўйича қўш-ма харакатлар режаси” тасдиқланиб, унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Ахборот технологиялари бўйича йиғма кўрсаткичларни шакллантириш ва унинг таркиби АКТ сектори билан биргаликда контент ва оммавий ахборот воситалари сектори ҳамда электрон савдо

фаолиятларини ҳам қамраб олиш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг “Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат йиғма кўрсаткичлар тизимини жорий этиш тўғрисида” қўшма қарор имзоланган. Қўшма қарор билан вазирлик ва қўмитанинг мала-кали мутахассисларидан иборат ишчи гурӯҳ тузилди, шунингдек, соҳага оид кўрсаткичларни шакллантириш ва эълон қилишда ягона ёндашув ва методологияни таъминлаш мақсадида “Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат” йиғма кўрсаткичи ҳамда унинг таркиби кирувчи фаолият турлари рўйхати ишлаб чиқилди[8].

Мазкур рўйхат асосида амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижаларига кўра 2019 йил якуни бўйича ахборот иқтисодиёти ва электрон тижоратнинг ЯИМдаги улушки 1,8 % ни, шу жумладан, АКТ секторининг ЯИМдаги улушки 1,6 % ни, контент ва оммавий ахборот воситалари сектори улушки 0,2 % ни ва электрон тижорат улушки 0,1 % ни ташкил этди (1.-жадвал).

1-жадвал.

Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯИМга нисбатан % да) [9]

Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат сектори	2,26	2,09	1,80	2,01
шу жумладан:				
Ахборот-коммуникация технологиялари сектори	2,07	1,86	1,55	1,71
Контент сектори ва оммавий ахборот воситалари	0,18	0,20	0,19	0,21
Электрон тижорат	0,004	0,03	0,05	0,10

БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича ташкилоти (UNCTAD)

маълумотларига кўра АКТ секторининг ЯИМдаги улушки ривожланган



давлатлардан Сингапурда 9 % ни, Японияда 5,7 % ни, АҚШда 5 % ни, Францияда 4,1 % ни ва Германияда 3,8 % ни, ривожланәтган мамлакатлардан Хиндистонда 5,1 % ни, Хитойда 4,8 % ни, Чехияда 4,7 % ни, Эстонияда 4,5 % ни ва Латвияда 4,1 % ни, МДХ давлатларидан Беларусда 4,5 % ни, Молдовада 4,4 % ни ва Озарбайжонда 1,5 % ни ташкил қиласи [10].

3. Электрон тижоратдаги шартномалар бўйича бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳажми, интернет тармоғига уланиш ҳолати, шунингдек, АҚТ секторида яратилган янги товар ва хизматлар тўғрисидаги статистик маълумотларни шакллантириш мақсадида:

йирик корхоналар томонидан тақдим этиладиган “Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар тўғрисида”ги ва “Ташкилот фаолияти тўғрисида”ги статистик ҳисбот шакллари;

микрофирма ва кичик корхоналар томонидан тақдим этиладиган “Микрофирма ва кичик корхоналар ҳисботи” статистик ҳисбот шакли;

маълумотлар узатиш тармоғида хизмат кўрсатиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан тақдим этиладиган “Ахборот-коммуникация технологиялари тўғрисида”ги статистик ҳисбот шаклига АҚТ фаолияти бўйича маълумотларни олишни кўзда тутувчи ўзгартириш ва кўшимчалар киритилди.

Шунингдек, кузатувларнинг қамрови ва сифатини таъминлаш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда кузатув ўтказиладиган субъектлар рўйхати шакллантирилди. Мазкур рўйхатдан АҚТ статистикасини шакллантиришда қамраб

олинадиган корхона ва ташкилотлардан электрон ҳисботларни қабул қилишда фойдаланиш кўзда тутилган.

4. АҚТ соҳаси бўйича Қўмитанинг расмий статистик тўпламини тузиш, чоп этиш ва уни таълим, илмий муассасалар ва тадбиркорлар орасида оммалаштириш мақсадида хорижий давлатлар статистика идоралари нашрларини ўрганиш асосида.

Хулоса. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда ахборотлашган жамият ривожланишининг асосий кўрсаткичлари”;

Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда фан ва инновацион фаолият” номли расмий статистик тўпламлар шакллантирилди ва 1000 нусхадан чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон қарори билан тасдиқланган “2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича йўл ҳаритаси”нинг 71-бандига мувофиқ Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига юклатилган вазифалардан келиб чиқкан ҳолда 2022 йилда АҚТ соҳасидаги статистикани янада такомиллаштириш ишлари давом эттирилади, жумладан:

1) электрон тижорат бўйича статистик маълумотларни шакллантириш амалиётини такомиллаштириш мақсадида:

- ўтказилаётган кузатувлар қамрови кенгайтирилади ҳамда маъмурий маълумотлардан фойдаланиш йўлга кўйилади;



- Республика товар, товарфонд, товар-хом ашё биржалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Электрон кооперация портали маркази билан ҳамкор-лиқда электрон харидлар бўйича тузилган шартномалар қийматини аниқлаш ва уларнинг ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат ҳисобкитобларида акс эттириш бўйича ишлар олиб борилади;

2) АКТ инфратузилмаси, АКТдан фойдаланиш, АКТ хизматларига тарифлар, АКТни ишлаб чиқариш сектори, таълимда АКТдан фойдаланиш, АКТ савдоси ва бошқа маълумотларни тайёрлаш бўйича методология ва қўлланмаларни ҳалқаро стандартларга мувофиқ янада такомиллаштирилади;

3) рақамли иқтисодиётни, шу жумладан, ахборот иқтисодиёти ва

электрон тижорат секторини статистик баҳолаш бўйича Ҳалқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки ва бошқа ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик-ни ривожлантириш бўйича ишлар давом эттирилади;

4) рақамли иқтисодиёт шаклланиб бориш жараёнларини ўрганиш бўйича маҳсус сўровномалар асосида танланма статистик кузатувлар ўтказилади;

5) рақамли технологияларнинг республикамиз импорти таркибидаги ўрни ва ҳажми таҳлил қилиб борилади;

6) республикамиз экспортида рақамли технологиялар, дастурий маҳсулотлар ва ахборот тизимларининг тутган ўрни ва динамикаси таҳлил қилиниб, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун масъул ташкилотларга натижавий статистик ахборотлар киритилиб борилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4328-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 апрелдаги “Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва идоравий ахборот тизимларини жадал интеграциялашувининг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3673-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3724-сон қарори.

4. Горелик, О. М. Финансовый анализ с использованием ЭВМ / О.М. Горелик, О.А. Филиппова. - М.: Кно Рус, 2016. - 270 с.

5. Гуломов С.С., Бегалов Б.А. Informatika va axborot texnologiyalari Дарслик, “Фан” нашриёти, 2010 й., 685 б.

6. Алимов Р.Х., Ходиев Б.Ю. Ахборот-коммуникациялар бозори: шаклланиш, тенденциялар, эконометрик моделлаштириш ва ривожланиш. Монография. Тошкент. ФАН. 2001.

7. Stat.uz ҳисоботлари.

8. Джанадилов Ш.Ў. Суғурта фаолиятига ахборот-коммуникация тех-



нологияларини жорий этишнинг услугубий асосларини такомиллаштириш.
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган
диссертацияси - Тошкент.: ТДИУ, 2018, - 149 бет.

9. Рақамли технологиялар вазирлиги ҳисоботлари.
10. UNCTAD ҳисоботлари.